

5-10-2019

THE MORAL, AESTHETIC AND ECOLOGICAL VIEWS OF THE EASTERN INTELLECTUALS ABOUT EDUCATION ISSUES

Nabi Pardaboevich Jumaboev

Art teacher of Gulistan State university

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Jumaboev, Nabi Pardaboevich (2019) "THE MORAL, AESTHETIC AND ECOLOGICAL VIEWS OF THE EASTERN INTELLECTUALS ABOUT EDUCATION ISSUES," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 5 , Article 53.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss5/53>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE MORAL, AESTHETIC AND ECOLOGICAL VIEWS OF THE EASTERN INTELLECTUALS ABOUT EDUCATION ISSUES

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИДАГИ АХЛОҚИЙ, ЭСТЕТИК ВА ЭКОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ

Жумабоев Наби Пардабоевич
Гулистон давлат университети
Тасвирий санъат ўқитувчиси

Аннотация: Ватанимиз тарихининг миллий маданий мероси, мутафаккирларимизнинг ёш авлод тарбиясидаги ахлоқий, эстетик, экологик қарашлари, комил инсон гоёси тўғрисидаги қарашлари илмий ўрганилган ва асосланган.

Калит сўзлар: шарқона одоб, ахлоқ, тарбия, нафосат, табиатга дўстона муносабат, яхшилик, инсонпарварлик.

ПРАВСТВЕННЫЕ, ЭСТЕТИЧЕСКИЕ И ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ВОСТОЧНЫХ МЫСЛИТЕЛЕЙ В ЗАДАЧАХ ОБРАЗОВАНИЯ

Жумабоев Наби Пардабоевич
Гулистанский государственный университет
Преподаватель художественного искусства

Аннотация: Национально-культурное наследие истории нашей страны, мысли наших великих предков о нравственном, эстетическом, экологическом воспитании подрастающего поколения и о подходах к идеологии мудрого человека были найдены и научно исследованы.

Ключевые слова: восточная культура, образ жизни, воспитание, деликатность, дружеское отношение к природе, добрые дела, гуманизм.

THE MORAL, AESTHETIC AND ECOLOGICAL VIEWS OF THE EASTERN INTELLECTUALS ABOUT EDUCATION ISSUES

Jumaboev Nabi Pardaboevich
Art teacher of Gulistan State university

Abstract: The national cultural legacy of the history of our country, the thoughts of our great ancestors about the moral, aesthetic, ecologic education of younger generation and the approaches of the ideology of wise man were found and scientifically explored.

Key words: eastern culture, manner, education, delicacy, friendly attitude to the nature, good deeds, humanitarianism.

Узоқ ва бой тарихга эга бўлган Марказий Осиё халқлари ўзининг таълим-тарбияга оид бой меросини яратиб, такомиллаштириб, ёшларни инсонпарварлик, илмпарварлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, инсонларга ва табиатга дўстлик, саҳийлик каби умуминсоний фазилатлар руҳида тарбиялаб келишган. Дарҳақиқат, аждодларимиз томонидан қолдирилган бебаҳо маданий мерос миллий маънавиятимизнинг ўзагини ташкил этади. Шу сабабли ундан бугун ёшларимизнинг таълим ва

тарбиясига кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, “Аждодларимиздан қолган мерос миллатимизнинг нафақат ўтмиши, шунингдек, истиқболи учун ҳам куч ва фидоийлик манбаи ҳисобланади” [1:47]. Комил инсон ғояси Шарқ фалсафасининг асосий мазмунини ташкил этади. Зеро, бу ғоя маънавият ва шарқона одоб билан узвий боғлиқ. Юксак маънавият соҳиби ва маънавий жасорат тимсоли бўлиш имконияти ҳар биримизда мавжуд. Ҳозирги даврга келиб миллий-маданий меросимиз, кадриятларимиз, маънавиятимизни ўрганиш ва уни янада юксалтириш учун кенг имкониятлар юзага келди.

Ўз даврининг қонуни ва мутафаккири бўлган “Авесто” китоби инсоният тарихидаги энг қадимий маънавий манбалардан бири ҳисобланади. Унинг мазмунида акс этган – “Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал” тамойили миллий маънавиятимизнинг асосини ташкил қилади. Бу ноёб ёдгорликда ўша вақтларда яшаган халқларнинг ахлоқ-одобига, таълим-тарбиясига, касб ўрганишига, меҳнатсеварлик ва меҳмондўстликка доир фикрлар берилган. Шу билан бирга адолат тарғиб этилади, яхши хулқ-одобга доир ғоялар, экологик (табиатни эъзозлаш ва уни асраб-авайлаш) фикрлар кенг тарғиб этилган.

Гўзал хулқ-атвор, инсонпарварлик, сабр-қаноат, илму ҳунар ўртасидаги иштиёқ, меҳнатсеварлик, донишмандлик, озодлик, дўстлик, ростгўйлик, мардлик, ўз бурчига садоқат ва Ватанга муҳаббат каби инсоний фазилатлар қадимдан халқимиз орасида жуда улуғланган. Фарзанд тарбиясида айнан шу фазилатларни шакллантиришга алоҳида эътибор берилган. Шунинг учун ҳам аждодларимиз орасидан жуда кўп жасур саркардалар, олиму фозил, донишманду мутафаккирлар етишиб чиққан [2:108].

Комил инсон тарбиясида ўзидан ўлмас мерос қолдирган аждодлар хазинасидан фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бўлиб, таълим-тарбия жараёнини мазмунли ташкил этишда буюк аждодларимизнинг илмий ва дунёвий билимлари, асарлари ва қарашларидан ибрат олиш миллатимиз равнақи учун беқиёс масаладир. Улардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Ислом оламининг йирик мутафаккири ва “Ҳадис илмининг султони” Имом Бухорий (810-870) тарбиянинг ўрни беқиёс эканлигини асарларида таъкидлаб ўтган. Аллома ҳалоллик, поклик, ота-онага ҳурмат, меҳрибонлик, ҳаё, ростгўйлик, саҳоват, илмлилик, сабр-қаноат, адолатлилик, кечиримлилик каби фазилатлар инсонни улуғлашини таъкидлайди. Ҳақорат қилиш, ҳасад, манманлик, иккиюзламачилик, ғийбат, адолатсизлик, ҳиёнат, тухмат, ота-онага итоатсизлик, иймонсизлик кабиларнинг гуноҳ эканлигини таъкидлаган ҳолда бу иллатлар одамзод бошига катта кулфатлар келтиришини баён қилади. “Кимки заррача бўлса ҳам яхшилик қилса, ажру савоб олгай, кимки зарра бўлса ҳам ёмонлик қилса, азобга қолгай”, деган фикрлар Имом Бухорий асарларида акс этган ахлоқий меъёр ва тамойилларнинг асосидир.

Дунёда “Иккинчи муаллим” сифатида танилган бобомиз Абу Наср Фаробий (873-950) фанга “Инсон бахти” мавзусини киритиб, уни илмий асослашга ҳаракат қилган. Аллома ўзининг “Бахт-саодатга эришиш ҳақидаги рисола” номли асарида

олий бахт бу камолотнинг энг юқори даражаси эканини, ахлоқий фазилат ақлий камолот билан назарий ва фалсафий ҳақиқатни боғлаган ҳолда англаш орқали эришилишини тушунтиради, яъни инсон бахтга хирс билан эмас, балки ақл билан эга бўлишини таъкидлайди. Бу ўринда инсон яшаётган ҳудуд, иқлим, осмон жисмларининг Ер шаридан узоқ ёки яқин жойлашуви ва уларнинг инсон саломатлигига таъсири, маст қилувчи махсулотларнинг инсонга зарари ҳамда инсонни ўраб турган ижтимоий муҳит назарда тутилган. Абу Наср Фаробий таълимотида илгари сурилган ахлоқий баркамоллик талаблари қуйидагилар: саломатлик, нозик фаросат, яхши хотира, зукколик, ширинсуханлик, илмга чанқоқлик, нафси тия олиш, ҳақиқатпарварлик, олижаноблик, камтарлик, адолатпарварлик, қатъиятлилик.

Ғазал мулканининг султони ва ижоди орқали туркий адабиётнинг энг юксак чўққисини забт этган мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) боланинг вояга етиши, камол топишида тарбиянинг кучи ва қудратига алоҳида эътибор беради. Тарбия натижасида боланинг фойдали ва етук киши бўлиб ўсишига ишонади. Навоий илм ўрганишга интилишни инсон камолотини таъминлаш учун хизмат қилувчи энг зарур фазилатлардан бири деб билади. Илмли инсонни, халқни нодонликдан, жаҳолатдан қутқазувчи омил сифатида таърифлайди. Асарлари мазмунида илгари сурилган ғоялар ёрдамида кишиларни илмли ва маърифатли бўлишга ундайди. Мутафаккир илм ўрганишни ҳар бир кишининг инсоний бурчи дея эътироф этади.

Моҳлар ойим Нодира (1792-1842)нинг инсон ва табиатига нисбатан қарашларига фақат шахсий туйғу эмас, балки ёшлар тарбиясида миллий анъаналарнинг роли ҳақидаги фикрлари ҳам намоён. Нодиранинг тарбия ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик ғоялари: адолат, инсоф, халқ манфаати муҳим ўринни эгаллайди. Нодира ҳаётнинг туб моҳиятини яхшилик биносини барпо этишдан иборат деб билади. Унинг фикрича, кимки тириклик чоғида яхшилик бунёд этган бўлса, ўзининг бу эзгу ишлари билан ўзидан кейин ҳаётда ёрқин хотира қолдиради [4:57].

Европада Авиценна номи билан машҳур бўлган Шарқ мутафаккири Ибн Сино (980-1037) бола тарбияси ва тарбия усуллари ҳақида қимматли фикрларини билдирган. Бола тарбияси оилада ота-онанинг асосий мақсади ва вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота-она тарбиячи бўлиши мумкинлигини таъкидлаган. Ибн Синонинг фикрича, энг муҳим ахлоқий бойлик адолатдир. Лекин инсон қанчалик билимдон, олим бўлмасин, ахлоқий қонунларга таянмаса, у одобсизликка ва ёмонликка йўл қўяди. Ибн Сино “Қуш тили” асарида иккиюзламачилик, ёлғончилик, хоинлик каби хислатларни қоралайди. “Кишининг энг яхши хислатлари бу ўз камчиликларини тушуниб йўқотишига интилишидир”, - дейди. Бу фикрлардан кўришиб турибдики, биз болаларга тўғри тарбияни туғилгандан бошлашимиз, она табиат (ҳайвонот ва ўсимлик олами)га муҳаббатини оширишимиз ва бунга ўзимиз намуна бўлишимиз зарур экан. Зеро, халқимизда “Нимани эксанг, шуни ўрасан” - деган мақол бекорга айтилган эмас.

Аллома Абдурауф Фитрат (1886-1938)нинг “Раҳбари нажот” асари тўла равишда таълим-тарбия масалаларига бағишланади. Айниқса, асарнинг учинчи боби оила,

бола тарбияси, ахлоқ-одоб мавзуларига бағишланган бўлиб, бу масалалар ҳозирги даврда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Фитрат ота-онанинг вазифаси ўз болаларини етук кишилар қилиб тарбиялашлари зарурлиги, бунда: 1) жисмоний тарбия – саломатлик; 2) ақлий тарбия - соғлом фикрлилик; 3) ахлоқий тарбия - ахлоқий санов, яъни ахлоқий покликка эътибор бериш кераклиги таъкидланади [5:226]. Фитрат биз “Тарбия майдонида фарзандлар учун масъул эканимизни, тарбияда таътилга, лоқайдликка ўрин йўқлигини англаш зарур” дейди. Аллома фикрига жавобан, ота-оналар бутунги техника тараққиёти ва таҳдиди даврида фарзанд тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ масъулиятли бўлишлари, уларнинг нимага қизиқаётганлиги, дунёқараши, иқтидори, истеъдоди, хулқ-атвори устида иш олиб бориши зарурлигини кўришимиз мумкин.

Яна бир алломаларимиздан бири Абдулла Авлоний (1878-1934)нинг таъкидлашича: “Тарбия – бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”. Бу фикрларнинг аҳамияти ҳозиргача эътибордан четда қолгани йўқ. Миллий тарбия – миллатни, элатни, ташкил қилувчи кишиларнинг миллий маданиятни, меросни, қадриятларни, урф-одатлар, анъаналарни ўзлаштиришдаги фаолиятни ривожлантиришдир. Авлоний ҳар бир киши ўз вазифасига садоқат билан киришиши, агар у мураббий бўлса, ўз шогирдларининг кўнглига маърифат учқунини солиши, халқ ўртасига маърифат тарқатиши зарурлигини таъкидлайди. Тарбиянинг асосий йўналишларини миллатпарварлик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик, юксак инсонийликни ривожлантириш, мерос, урф-одат ва қадриятларни, фан-техника, технологияларни ўзлаштиришга интилишини ривожлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг моҳиятини тушуниб етиш ва унга амал қилиш руҳиятини шакллантириш кабилар ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, маънавий юксак, замонавий илм-фанни эгаллаган, аждодларимизнинг бой маънавий меросига соҳиб чиққан авлодни ҳеч қандай ташқи куч, ғоя ёки мафкура асло ўз таъсирига тушира олмайди. Бундай авлодни вояга етказган халқнинг истиқболи порлоқ, келажаги буюк бўлиши шубҳасиздир. Тарбия ўз навбатида оиладан бошланар экан, биз ўз фарзандларимизни бахти-саодатини, камолини, иқболини, буюк инсон бўлиб етишганлигини ва ҳаёт абадийлиги авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавий қўرғони бўлмиш ўз оиламизнинг мустақамлигини кўришни истар эканмиз, демак оилада тарбияланувчиларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда тарбиянинг барча турларига эътиборни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

References:

1. A.Haydarov. Inson kamoloti va milliy-ma'naviy qadriyatlar. -T.: Muharrir, 2008 y.
2. K.Nosirov. Xalq ta'limi jurnali 5-son. -T.: 2017 y.
3. “Voyaga etmaganlar nazoratsizligi hamda qamrovsizligining oldini olishda oila, uzluksiz ta'lim muassasalari, mahalla va huquq-tartibot organlarining o'zaro hamkorligi” Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. -G.: GDU, 2014 y.
4. “Internauka” nauchnyy jurnal 6(88) chast 2. -M.: 2019 g.



5. K.Xoshimov, S.Nishonova. Pedagogika tarixi. -T.: 2005 y.